

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ  
ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

**“ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ СТАНДАРТЛАРИГА  
ҮТИШ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИ ЎЗБЕКИСТОНДА  
ҚЎЛЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

**мавзусидаги  
халқаро илмий - амалий анжуман  
мақолалар тўплами**



ТОШКЕНТ – “ИҚТИСОДИЁТ” 2022

2013. 217-228 с.

8. Константинова Е.П. Международные стандарты финансовой отчетности: Учеб. пособ. – М.: «Дашков и К», 2008. – 288 с.
9. Шофиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик. –Т.: Фан ва технология, 2012. -260 б.
10. Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа коммерческих организаций, Инфра-М, 2003
11. Шерр И.Ф. Бухгалтерия и баланс. -М.:Экономическая жизнь, 1925, - 575с.
12. Эргашева Ш.Т. Бухгалтерский учет. Учебное пособие / - Т.: Иқтисод-молия 2011. -520 с.

**Мамажонов А.Т.**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,  
“Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит”  
кафедраси мудири, и.ф.ф.д., доцент.**

### **Молиявий ҳисботларни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини назарий жиҳатлари**

Ушбу мақолада муаллиф томонидан хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисботларни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини назарий жиҳатдан кўриб чиқилган ва фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** бухгалтерия ҳисоби, назария, МХХС, ҳисбот, концептуал асос.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлариiga ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини имзоладилар. Қарорга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги 38-сон қарорида:

масьулияти чекланган жамият, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, давлат улуши бўлган тегишли хўжалик жамиятлари ва йирик солик тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисботни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда — МХХС) асосида тайёрлаши ва 2021 йил якунига қадар бухгалтерия ҳисоби хизматини халқаро сертификатлаш доирасида тегишли сертификатга эга бўлган камидা уч нафар мутахассис билан таъминлаши;

олий таълим муассасалари «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МХХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўкув дастурларини таълим жараёнига жорий этиши, ушбу фанлар бўйича педагог кадрларнинг аккредитациядан ўтган ўкув марказларида МХХС бўйича ўқитилишини таъминлаши ҳамда 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб тажрибасинов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлар

фақат халқаро сертификатлаш доирасида тегишли сертификатга эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилиши;

2020 — 2025 йиллар давомида олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари («Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича), талабалари, битиравчилари (ўқиши тутгатгандан сўнг олти ой ичида) ва давлат органлари ходимларини аккредитациядан ўтган ўкув марказларида МҲҲС бўйича ўқитиш, шунингдек, уларни бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўtkазиш ва имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўtkазиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши белгиланганлигини кўриш мумкин.<sup>69</sup>

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари – молиявий ҳисботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами, молиявий ҳисботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламент бўлиб, ташқи фойдаланувчилар томонидан бирор-бир ташкилотга нисбатан иқтисодий қарор қабул қилиш учун фойдаланилади. Яъни, оддий мисол тариқасида келтирсак, бу хорижий инвесторларни мамлакатимизда фаолият юритаётган ташкилотларнинг (компания, корпорация, масъулияти чекланган жамият) акциялари, қимматли қофозлари ва бошқа турдаги инвестиция жалб қилиши мумкин бўлган моддий бойликларнинг истиқболда ўсиши ёки пасайишини таҳлил қилиши учун зарур ахборотлар билан таъминлаш мумкин бўлади.

Биз учун афзаллиги эса мамлакатимиздаги йирик корхоналарга халқаро молия бозорларида иштирок этиш имкони яратилади. Масалан, республикамиздаги йирик корхоналарнинг чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари томонидан уларнинг акция ва облигацияларини сотиб олиши эвазига ушбу корхоналарга инвестиция киритиш, пировардида корхонани ривожлантириш натижасида Давлат бюджетига тушумнинг ошишига олиб келади.

Президентимизнинг мазкур қарорига биноан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, масъулияти чекланган жамият, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишига ўтиши белгиланган.

Шунингдек, молиявий ҳисботни ихтиёрий равишда молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисбининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисбот тақдим этишдан озод этилиши белгилаб қўйилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўкув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўtkазиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар

<sup>69</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги 38-сон карори

билингвальдада ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам устувор вазифа сифатида қаралади.

Мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига киритиш учун ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиш, бюджет барқарорлиги, ишлаб чиқариш маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш, бунинг учун эса, чет эл инвестицияларини кўпроқ киритиш муҳим роль ўйнайди.

Концепция (conceptio) лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида тўплаш, бирлаштириш, тизим ёки ибора маъносини англатади. Мазмунан эса бирор фан ёки тадқиқот асослари бўйича умум қабул қилинган назарий қоидалар тўплами, шунингдек, бирор предмет ёки воқеани тушуниш, кўриб чиқиш усуллари ёки унга нисбатан ёндашувлар ва қарашлар тизими сифатида изоҳланади. Молиявий ҳисобот нуқтаи назаридан эса молиявий ҳисобот тузища қўлланилаётган амалдаги қоидаларни баҳолаш ва уларни ривожлантириш асосларини ташкил этади.

Молиявий ҳисобот ва унинг концептуал асоси устида сўз юритар эканмиз, бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси билан боғлиқ масалаларга тўхталамиз. МХХСнинг бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва мақомига қарамай, назарий жиҳатдан Бухгалтерия ҳисоби фанининг ажралмас бир қисми бўлиб қолаверади. Бинобарин, концептуал асос бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши лозим.

Маълумки, ҳар қандай назария амалиётнинг у ёки бу талабига жавоб сифатида юзага келади. Зоро, пайдо бўлиш жиҳатидан амалиёт ва у орқали шаклланган тажриба назарияга нисбатан бирламчи. Бинобарин, назария аввало амалиёт эҳтиёжларини қондиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шубҳасиз, бухгалтерия ҳисоби назарияси ҳам тадбиркорликнинг талабига жавоб сифатида юзага келган. Модомики шундай экан, бухгалтерия ҳисоби назарияси ҳақиқатан ҳам шу соҳа амалиёти ва тажрибасининг натижасидир.

Назария объект ва ҳодисаларнинг тараққиёт қонуниятини очиб беради. Айни пайтда унинг қанчалар ҳаётйлиги амалиётга жорий этилганда намоён бўлади. Лекин амалиёт ва тажрибанинг хусусиятлари назарияни батамом инкор этиш ёки уни менсимаслик учун асос бўлмайди. Айрим мутахассислар бухгалтерия ҳисоби назарияси мутлақо амалиёт ва тажрибадан шаклланган деб ҳисоблайди. Шунинг учун улар бухгалтерияни ўз ишининг устаси бўлган иқтидорли амалиётчи-ҳисобчиidan ўрганишни афзал деб уқтиришади. Негаки улар бухгалтерлик касбини ҳисоб ишларини техник томондан қойилмақом бажарадиган «оддий ҳисобчилик» билан тенглаштиришади.

Бугунги кунда бухгалтер нафақат ҳисоб юритишнинг техник қўнималарига эга бўлиши, балки корхонанинг молиявий ҳолатини тўла таҳлил қилиш, уни бозор иқтисодиётининг мураккаб қонуниятлари билан боғлаб бошқариш, вазиятларни тўғри баҳолаш ва самарали хulosha чиқариш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим. Табиийки, бухгалтер бўлиш орзуидаги ҳар бир киши аввало бухгалтерия ҳисобини назария, хусусан, ундаги иборалар,

тушунчалар ва қоидаларни ўрганишдан бошлайди. Бўлажак бухгалтер олдин назарияни ўзлаштириб, сўнг амалиётга қўл уриши лозим.

Билиш жараёни назария ва амалиётнинг биргаликдаги ўзаро таъсирида рўй беради. Улар бир-бирини тўлдиради ва тасдиқлайди. Назария камон ўқи бўлса, амалиёт нишондир.

Бунга қўшимча яна шуни қайд этиш жоизки, назария нафақат амалиётда қарор топган мавжуд тартиботни ўрганиш, балки уни ўзгартириш ва ривожлантириш учун ҳам хизмат қиласди. У амалиётнинг келажак тараққиёти ва тақдири тўғрисидаги фикрлар ҳамда қарашлар тизимини шакллантиради ёки концепциялар яратади. Ижтимоий ҳаёт ривожланиб борар экан, унга мос равишда бухгалтерия ҳисоби ҳам тадрижий ривожланаверади. Қолаверса, фантехника ютуқлари ҳам унинг юксак даражада такомиллашишига пойдевор яратмоқда. Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобининг бир неча замонавий турлари шаклланган, уларнинг ҳар бири мустақил фан сифатида жаҳоннинг барча олий ўкув юртларида ўрганилмоқда. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисоби турлари қанчалик такомиллашмасин ва турларга бўлинмасин, уларни тушуниш ва амалда қўллашда Бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси асос бўлиб хизмат қиласверади.

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, табиийки, у мавжуд ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир мамлакатдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тайёрлаш тамойилларига ўз таъсирини ўтказади. Турли мамлакатларнинг миллий талаб-лари ўртасидаги зиддиятлар уларнинг молиявий ҳисботи ўртасида фарқларни ҳам вужудга келтиради. Бундай тафовутлар молиявий ҳисбот элементларининг, яъни активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харажатларнинг турлича таърифланишига олиб келади. Шунингдек, молиявий ҳисбот моддаларини тан олишда ҳар хил мезонлардан фойдаланиш ҳамда ушбу моддаларни баҳолаш учун ҳар хил асосларни маъқул деб ҳисоблашга сабаб бўлади. Бундай турлича ёндашувлар молиявий ҳисбот турлари, уларни қўллаш доираси ва очиб бериладиган маълумотлар хусусидаги масалаларга ҳам тааллуқлидир.

Глобал интеграллашган иқтисодиёт шароитида турли мамлакат хўжалик субъектлари, банклари ва бошқа молиявий корпорациялар ўртасида иқтисодий алоқалар ўрнатилади. Халқаро ҳамкорликдаги субъектларнинг бир-бирига зид келмайдиган бир хил тамойил ва қоидалар асосида молиявий ҳисботни тайёрлашлари учун ягона «бизнес тили» бўлган халқаро стандартларни яратишга эҳтиёж пайдо бўлади. Шу боис, жаҳон иқтисодчи олимлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисбот тузишнинг ягона қоидаларини яратиш устида ўтган XX асрдан бошлаб жиддий бош қотиришмоқда.

Масалан, АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган қоидалари – БХУҚ (Generally Accepted Accounting Principles - GAAP) яратилишига Америка Кўшма Штатларининг нафақат бухгалтерия ҳисоби билан бевосита шуғулланувчи олимлари, балки барча иқтисодий йўналишда

фаолият юритувчи машхур олимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшган. Бундан ташқари, мамлакатда бухгалтерия ҳисоби назариясини ривожлантириш учун мустақил илмий изланиш марказлари фаолият қўрсатган. Жумладан, Патон ва Литлтон томонидан амалга оширилган тадқиқотлар бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг умумий концепциясини яратиш бўйича ягона ёндашув қоидаларини ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Молиявий ҳисботнинг концептуал асослари Молиявий ҳисботнинг Халқаро Стандартлари Кенгashi томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган. У 1989 йилда МХХС Кўмитаси томонидан нашр этилган «Молиявий ҳисботни тайёрлаш ва тақдим этиш асослари» ўрнини эгаллаган.

Концептуал асос бугунги кунда ҳам такомиллаштирилмоқда. Хусусан, Кенгаш ва GAAP Америка молиявий ҳисоби стандартлари бўйича Кенгаш – FASB билан биргалиқда ягона концептуал асос лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Бу жараён босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ҳар битта боб тугалланганидан кейин 1989 йилда чоп этилган Молиявий ҳисботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича концептуал асоснинг тегишли бандлари алмаштирилади. Концептуал асосни ўзгартириш бўйича лойиҳа нихоясига этганидан кейин Кенгаш «Молиявий Ҳисботнинг Концептуал Асоси» деб номланган тўлиқ, кенг қамровли, ягона ҳужжатга эга бўлади.

Концептуал асоснинг мазкур таҳрири Кенгаш томонидан концептуал асосни ўзгартириш бўйича лойиҳанинг биринчи босқичи натижасида чоп этилган биринчи иккита бобни ўз ичига олади: I боб – «Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисботнинг мақсади» ва III боб – «Фойдали молиявий ахборотнинг сифат ҳусусиятлари». II бобда ҳисбот берувчи субъект тушунчаси кўриб чиқилади.

Концепция молиявий ҳисбот тайёрлашнинг ҳозирги амалдаги тамойилларини баҳолаш ва уни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиласи. У фойдаланувчиларга қарор қабул қилиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисботда айнан қандай ҳодисалар ҳисобга олиниши, улар қандай баҳоланиши ва ахборот қандай тартибда тақдим қилинишини белгилайдиган назарий асосдир. Шунингдек, у ҳисбот тайёрловчи ташкилот томонидан молиявий ҳисботни ташки фойдаланувчиларга тақдим қилиш бўйича риоя этилиши лозим бўлган қоидалар тизимидан иборат. Концептуал асос қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:

- молиявий ҳисботнинг мақсади;
- фойдали молиявий ахборотнинг сифат ҳусусиятлари;
- молиявий ҳисботлар таркибини ташкил этувчи элементларнинг таърифи, тан олиниши ва баҳоланиши;
- капитал ва капитални сақлаб туриш тамойиллари.

1-МХХС «Молиявий ҳисботни тақдим этиш» умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисботни тақдим этишга нисбатан умумий талабларни, уларнинг тузилишига оид кўрсатмаларни ҳамда уларнинг мазмунига доир минимал талабларни ўрнатган. Концептуал асос эса молиявий ҳисботнинг мақсадини белгилайди.

Концептуал асосда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисботнинг мақсади ҳисбот берувчи корхонага ресурсларни ажратиш бўйи-ча қарорларни қабул қилишда мавжуд ва потенциал инвесторлар, кредиторлар ва бошқа қарз берувчи ташкилотлар учун фойдали бўлган ушбу корхона тўғрисидаги молиявий ахборотни тақдим қилишдан иборат эканлиги белгиланган. Шунинг учун ҳам умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисботнинг мақсади Концептуал асоснинг ўзагини ташкил этади, унинг қолган бошқа масалалари, жумладан, ҳисбот берувчи корхона концепцияси, фойдали молиявий ахборотнинг сифат хусусиятлари ва чекловлари, молиявий ҳисботнинг элементлари, уларни тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш ва очиб бериш тамоиллари мантиқан шу мақсаддан келиб чиқади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги 38-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги конуни(янги таҳрири). 2016 йил 13 апрель. №404.
3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари. Тўплам. – Тошкент, «NORMA», 2018.
4. Международные стандарты финансовой отчетности: Издание на русскомязыке. – М.: «АСКЕРИ-АССА», 2016.
5. Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи: халқаро ва миллий жиҳатлари. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2009 й. -168-б.
6. Алексеева Г.И. Особенности первого применения Международных стандартов финансовой отчетности // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 39. С. 2–14.

**Маматқұлов М.Ш.**  
доцент, д.э.н,  
**“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси,**  
**“ТИҚХММИ” МТУ, Тошкент**  
**Н.Д.Махмудова**  
**“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси,**  
**“ТИҚХММИ” МТУ, магистр,**

### **Ўзбекистонда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлариiga ўтиш шароитида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобининг муҳим жиҳатлари**

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда ташки савдо операцияларини амалга оширадиган ва хорижий инвестицияларни жалб этадиган корхоналар сони ортиб бормоқда. Мазкур мақолада меҳнатга ҳақ тўлаш тизимиning камчиликлари, молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини Ўзбекистонда жорий этишнинг муҳим жиҳатлари, биринчи навбатда эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор вазифалар ва уларнинг ечими бўйича хulosса ва таклифлар ёритилган.